

Хар бир мусулмон кишида, аввало, Куръон саводи бўлиши керак. Бунинг учун бугун талай имкониятлар бор, факат кунт килинса, бас.

Куръони Каримни хамиша ўкиб юриш учун ундан халоват топа билиш даркор. Бунинг учун эса Куръонни яхши ўқий олиш ва турмушини ҳам Куръонга монанд килиш талаб этилади. Инсоннинг калби гуноҳ кири билан копланиб колган бўлса, хаёт тарзи гофилликда ўтса, Куръон ўқишга бўлган иштиёки ҳам сустлашиб колади. Шу боис салафлар кечаси тахажжудга тура олмаётганидан шикоят килган кишига гуноҳлардан четланишни тавсия этар ва: «Кундузи гуноҳ лойига ботган киши тунда Аллох билан сухбатлаша олмайди», дер эдилар.

Шу билан бирга, Куръондан кунлик вазифа белгилаб, уни адо этишга катъий риоя килиш лозим. Расули Акрам (соллаллоху алайхи васаллам) ҳам шундай килганлар. Юкоридаги Авс ибн Хузайфа (розияллоху анху)дан килинган ривоят бунга ёркин далилдир. Унга кўра, Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам) ўша кунги вазифаларини тугаллай олмаганлари кечга якин эсларига тушиб колган ва ўшани ўкиб кўйиб, кейин сахобаларнинг хузурларига чикканлар.